

Ахмад Табибий (тахаллуси; асл исмшарифи Ахмад Али Мухаммад ўгли, 1869—Хива—1911) — шоир, таржимон, табиб. Хива мадрасаларидан бирида ўқиган. Отасидан ва замонасининг машхур табиби Яхшимуродбекдан табибликни ўрганган, Мухаммад Рахимхон II (Феруз) саройида табиблик килган. Шеъриятда шухрат қозонган. Ўзбек ва форс-тожик тилларида, мумтоз адабиётнинг анъанавий жанрларида ижод қилган. Шеърларидан 5 девон — «Тухфат ус-султон», «Мунис ул-ушшук», «Хайрат ул-ошикин» (ўзбек тилида), «Миръот ул-ишк», «Мазхар ул-иштиёк» (форс-тожик тилида) тузган. Уларда реал ҳаётни, соф мухаббатни улуглаган («Айладинг», «Озоридур» ва б.).

Табибий ўзбек адабиётида мухаммас жанрини ривожлантирган: Навоий, Саъдий, Жомий, Зебуннисо, Мунис, Огахий, Мирзо Голиб ва бошқанинг газалларига 518 та мухаммас боғлаган. Хоразм шоирлари ҳақида «Мажмуат уш-шуарои пайрави Феруз Шохий», «Мажмуаи мухаммасоти аш-шуарои Феруз Шокий» (1909) тазкираларини тузган. Иккинчи мажмуаси, асосан 33 шоир мухаммасларидан ташкил топган. Унда даставвал Огахий газалларига, сўнг Феруз шеърларига боғланган мухаммаслар, кейин эса Ферузнинг «Оромижон нигорим, сарви равон нигорим» газалига тахмис, мухаммас ва мусаддаслар келтирилган. Хотима қисмида эса шу тўпламга кирган Умидий, Доий ва Хаёлийнинг вафоти ҳақида хабар, Баёнийнинг «Мажмуат уш-шуарои пайрави Феруз Шохий»га ёзган такризи берилган.

Табибий «Вомик ва Узро» қиссасининг ўзбекча шеърӣ (маснавий) вариантларини яратган (8100 байт). Фузулийнинг «Хафт жом» асарини форс-тожик тилидан ўзбекчага таржима қилган. «Етти равза» номли асар ҳам ёзган. Асарларининг бир неча қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланади.

Шох Вомик бир кеча Азрони тушида қўриб тозадин ошифталигда ягона бўлғони ва Азронинг хама ахволин сўруб юз шавку завк била йўлга равона бўлғони.

Хуш улким бахтни бедор топгай,
Агар уйкуда васли ёр топгай.

Хамул ким ишк илмида мударрис,
Эди ҳам нукта фаннига муҳандис.

Бу янглиг қилди бу ерда хикоят,
Ки Вомик уйкуда қилгач фарогат.

Тушида кўрдиким махбуби Азро.
Хамул кеча доги чодирда, аммо—

Ўтирмиш ўзи бирла сухбат айлаб,
Такаллум беҳаду бегоят айлаб.

Бокиб чун кўрди ул ишки жаҳонгир,
Эрур Азро аёки узра занжир,

Бало зиндонида махбус бўлмиш,
Кўзи ҳам конлиг ашки бирла тўлмиш.

Кўруб Азрони ул шохи вафокеш,
Оёкда кайд ила гамгин дили реш.

Килиб хайратни бермас хечгах ёд,
Ки топгай банд пойи сарв озод.

Магар ошик эрур занжири авбош,
Ки зулфидек оёкига кўяр бош.

Килиб бу важҳдин зулфин паришон,
Ки ўпгай сокини занжири печон.

Кўруб Вомик, бу янглиг можарони,
Чекиб афсус ила оху навони.

Деди: «Кей халкаи зулфинг гирихгир,
Сани ким килди мундок пой занжир?»

Нединдур тавк банди сийм сокинг,
Бу зиндон не учун бўлди високинг?

Кафасда расм эрур банд ўлса булбул,
Киши харгиз кафасда кўрмамиш гул.

Бу дам кўрдум ажаб расми дигаргун,
Ки Лайли бастаи занжири Мажнун.

Сен ўлмишсен чу занжир ила баста,
Анга лоюк мени мажнуни хаста.

Сени килгунча бу занжир дилгир
Менинг бўйнимга тушгай эрди занжир».

Деди Азро бўлуб хун ашк афшон:
«Ки, эй меҳру вафо шаҳрида султон.

Хам ул тунким бўлуб шавким зиёда
Кўлингга бермишам бир жом бода.

Бўлуб андин пари ранжу анолиг,
Топиб ишкинг гамига мубталолиг.

Манга тушди бу икки банд мушкил,

Оёк занжир топтию, гирих дил.

Етушди беҳаду сон ишк доги,
Бало базмида ичдим давр аёги.

Вале сен салтанатда шод бўлгил,
Хилофат тахтида обод бўлгил.

Буни бил лекким гамхонаи ишк,
На гамхона, буюк кошонаи ишк.

Эмас гаммоздин бир лахза холи,
Гар ошик дун эрур, йўк эрса олий.

Эрур пайдо жину инс ичра хосид,
Килурга ўртада радди макосид,

Бу важх ила манга хам бир жамоат,
Хасад айлаб аён беҳадду гоят.

Етурдилар килиб кўнглумни гамлиг,
Отам наздида асру куттахамлиг.

Бўл эмди вокиф, эй шохи ягона,
Эшитсанг бор узун мунда фасона.

Мени ишк айлади бу навъ побаст,
Балоу, дарду, андух ила хамдаст.

Сенинг ишк ичра ахволинг нечукдур
Де, ўтган мох ила солинг нечукдур?

Менинг хижронда дарду меҳнатим кўп.
Машаккат бирла доғу хасратим кўп.

Сенинг холинг нечукдур дарду гамдин
Фирок ичра ниҳоятсиз аламдин?

Мени килди сипохи дард помол,
Санга хижрон гамидин недур ахвол?

Агарчи мен эрурман гамда побанд,
Бўлуб сен салтанат тахтида хурсанд.

Майи ишратни доим айлагил нўш,
Мени ҳам килма ёдингдин фаромуш.

Раҳми меҳри вафо таркини тутма,
Мени бечорани доғи унутма».

Чу Вомик дилбари холини билди,
Тўкуб ашкин бaсе фарёд килди.

Дeбон бeхадду сон ва хасратолар,
Хузун айлаб, чекиб оху наволар.

Дариго, бу нечук бордур аломат,
Аломат дема, бал рўзи киёмат,

Ки андок нозанини мох сиймо,
Юзи гул, комати сарви дил оро,

Менингдек бир гадони шоматидин,
Жудо бўлса бу янглиг рохатидин,

Ало эй дилбари яктои даврон,
Жамолинг нашъа бахши согари жон.

Гами ишкинг эрур дардим давоси,
Танимга жон берур кўйинг хавоси.

Рахи ишкинга зору бекас эрдим,
Фирокнинг оташи ичра хас эрдим.

Сени кўрдум бу хол,ат бирла махзун,
Гаму дарду малолим бўлди афзун.

Бор эрдим дарди хажрингда фитода,
Бу дардим барчадин бўлди зиёда.

Не янглиг айлагум бу ишга чора,
Ўлай ё худ килай ўзимни пора.

Фидо бўлсун йўлингда жисму жоним,

Санга бўлсун тасаддук хонумоним.

Эрур ишкинг манга ўлгунча пеша,
Сенинг ёдингда бўлгумдур хамиша.

Килиб лутфу мурувватлар хувайдо,
Деди Вомикка ушбу лахза Азро:

«Ки, эй меҳру вафо шахрига султон,
Хилофат маснади узра Сулаймон.

Бани одам аросидин мани зор,
Сенингдек қўрмадум ёри вафодор.

Неча қўрсанг доғи ранжу машаккат,
Ўзингга айламишсен сабр одат.

Вафо йўлидин ўлмаи инхирофинг,
Сўзингда бўлмади асло хилофинг.

Хамул кунким муаббад сорига сан,
Ўкур эрдинг бориб илм ила фан.

Очиб мен ишк жангидин варақлар,
Олур эрдим вафодин кўп сабақлар.

Эди меҳрингга жо кўнглум харими,
Бўлуб жоним аро хажрингни бийми.

Манга ул кунки ишк ўлди мураббий,
Ўкур эрдинг сен ул кунда «алифбе».

Муаббад бир эмастур устодинг,
Менинг хаттим била чикди саводинг.

Хамул важх ила мен ўз суратимни.
Килиб тасвир шаклу хайъатимни.

Санга килмиш эдим мен они ирсол,
Сени то ошик этгай деб бу тимсол.

Яна ўзни килиб бир дилкаш оху,
Чикиб ул дам сенинг кошингга ўтру.

Жудо сендин килиб лашкарларингни,
Паришон айлабон аскарларингни,

Олиб чикдим сени мен ул ародин,
Санга бўлмаи хабар бу можародин.

Сени ул тунги базмимга чакирдим,
Ўз илгим бирла бир согарни бердим.

Хамул лахза манга килдинг назора,
Гамим тиги юрагинг килди пора.

Бу миннат узрини мен то киёмат,
Кила олмон адо, эй мох талъат.

Бўлуб ишкинг била мен хам аламлиг,
Отам ёнида топдим муттахамлиг.

Эрур кўнглум гаминг кайди билан банд,
Бўлуб дардингда жоним неча парканд.

Умидим эмди сендин бор эрур бу.
Ки жаҳд эт мен сари келмакка ўтру.

Нечунким келмасанг мен сорига гар,
Етушгуси манга кулфат мукаррар».

Деди Вомик чекиб афгону фарёд:
«Ки, эй ширин лико ёри паризод,

Сенинг не навъ етгум хизматингга,
Мушарраф не навъ ўлгум сухбатингга.

Била олмон сенинг ному нишонинг,
Не ерда эрканин жойу маконинг.

Агар билсам сенинг манзилгахингни,
Килурман бош била хоки рохингни».

Деди Азро анга: «Эй. марди комил,

Макомим топмокингдур асру мушкил.

Агар машрик сори бўлсанг шитобон,
Бўлурсен восили хуршиди тобон».

Эшитгач ушбу сўзни шох Вомик,
Бўлуб кон кўнгли андоқким шакойик.

Хануз этмай савол онинг диёрин,
Доги мажмуъи сирри кору борин.

Кўзи уйкудин анинг бўлди бедор,
Кўзидин сочиб ашкани матар бор.

Килиб юз навъ ташвир ошкоро,
Деди: «Ё лайта мутут кабла хозо».

Миниб отига ул Шохи ягона,
Рахи машрик сори бўлди равона.

Тонг отгунча йўл узра азм килди,
Машомига насими субх келди.

Замири гарк ўлуб файзу сафога,
Деди диккат била боди сабога:

«Ало, ё эй насими субхи равшан,
Шамимим атрбахши файзи гулшан.

Бўлуб шаб зинда дору дашт паймо,
Сахар ишк ахлига сен килгунг иймо.

Бўлуб хар субхидам доим сахархез,
Эурсен гулистонлар ичра гулрез.

Макомингдур гахи огуши гунча,
Гахи гул узра ургунг кож мунча.

Гахи килгунг эсиб оройиши гул,
Бўлуб машшотаи гисуйи сунбул.

Уруб гах базмнинг шамъини бархам,
Урарсен гул юзига гохи шабнам.

Хаводоринг гулу сарви гулистон,
Санохонинг бори насрину райхон.

Эрур сахни гулистон сайргохинг,
Бўлуб райхону насрин фарши рохинг

Шамиминг атри бирла тавъамондур,
Бахори бог аро хукминг равондур.

Эшит бу мултамас мен нотавондин,
Балойи ишк ила озурда жондин.

Ки ногах сайр этиб хар дашту водий,
Гузаргох айласанг машрик саводи,

Кезиб сайр айлагил машрик диёрин,
Тамошо айла богу кўхсорин.

Сўрог айлаб, килиб хар ён таку пў,
Тажассус бирла килгил жахд асру.

Топиб ул хур пайкарнинг маконин,
Етишгач мендин ўпкил остонин.

Адаб бирла топиб ондин ижозат,
Бажо келтургил одоби тахият.

Агар топсанг хузурини баякбор,
Дуо бирла салом эт мендин изхор.

Дегил: «Эй офтоби за~ррапарвар,
Малохат гулшани ичра гули тар.

Бор эркандур санга мажнуни гамнок,
Гами ишкинг била афтодаи хок.

Забун ўлмиш йўлингда холизори,
Бўлуб афсурда жисми хоксори.

Эрур зикри тилида гуфтугўйинг,

Жабини саждагохи хоки кўйинг,

Сени деб тахти тожидин кечибдур.
Шароби шавк ёдингда ичибдур.

Келур пўя уруб афтону хезон,
Каён борурни билмай асру хайрон.

Вале билмас сенинг манзил-маконинг,
Киши топмас кито сўргай нишонинг.

Узинг гар килмасанг лутфу хидоят,
Анинг ахволи каттигдур багоят».

Сабога бу тарийка шох Вомик,
Юрур эрди дебон сўз сўйи машрик.

Баногах ўлди мундог амри воке—
Ки, бўлди шарқдин хуршид толеъ.

Тушуб кун партавига шох кўзи,
Бўлуб зохир тилида ушбу сўзи,

Деди: «Кей мухташам султони ховар,
Фалак майдонига сурган таковар,

Санга зебанда келди кахрамонлиг,
Мусалламдур санга гетистонлиг.

Сенингдек ким кўрубдур кахрамонни,—
Ки, бир кун ичра олмишдур жахонни.

Камина чокаринг Бахрому Биржис,
Надими хилватинг Исойи ўрис.

Жахон очмок учун бўлсанг сувора,
Сипохинг бўлгуси моху ситора.

Сен ўлмаи тарбият бирла муовин,
Эмас комил набототу маодин.

Сенинг нуринг била равшандур офок
Килурсен партавингдин ой юзин ок.

Ўрутмассен агар кўкни хисорин,
Каро килгунг жахонни рўзгорин.

Чу сен тарбият айлаб ошкоро,
Бўлур тарбиятингдин лаъл хоро.

Эшитгил, эй шаханшохи жахонгир,
Санга арз айларам холимни бир-бир,

Менинг кўнглумда бор ул борадин гам
Ки ишқидур манга бу дам мусаллам.

Юзи гул, огзи гунча, кадди шамшод,
Риёзи жаннат ичра сарви озод.

Жамоли оразингдин олам афрӯз,
Фуруги сендек айлар шомни рӯз,

Санга ул юздин ўлдим меҳрпайванд—
Ки, бор рухсори рухсорингга монанд.

Шох Вомиқнинг бекарорлиг важҳидин Азрога нома ёзғони

Ало, ё эй насими субҳгоҳи,
Эрусан субҳи содиқнинг гувоҳи.

Етургунг хар сахар, эй файзи довар,
Паёми субҳ то хуршиди ховар.

Етур Азрога ҳам пайгоми Вомиқ,
Ки ул хуршид эрур мен субҳи содиқ.

Етур арзим килиб кўнглумни масрур,
Бўлай чун субҳи содиқ матлаи нур.

Дегил, кей Зухра чехра, Муштарий рўй,
Хилол абрў, камар талъат, суман бўй,

Санга пайваста кўнглум эрди мушток,
Фироқииг токатимни айлади ток.

Килиб мехри рухинг шавкинг ўтин тез,
Вужудим зарра янглиг бўлди ночиз.

Кўнгул абрўйинга мушток доим,
Хилоли ийд учун андоки сойим.

Кўёшинг толеъ эт, эй махжабиним,
Ки то юз меҳр бўлсун хўшачиним,

Бўлурму мунча хижрон шоми жовид,
Тулуъ этмасму харгиз субхи уммид.

Качонга тегру бўлгум зору махзун,
Килиб ишкинг манга чун насра афсун,

Манга жоду кўзунгдур сеҳр пайванд
Ки, солмай насра сеҳри ул кадар банд.

Мени афсуни зулфинг килди бад хол,
Агарчи насра сеҳрин килдим ибтол.

Эрур кўнглум гаминг тигидин афкор.
Фирокинг еткурур жонимга озор.

Гамингдин, эй нигори сийм габгаб,
Качон фарк айлагумдур рўз ила шаб..

Чекиб андухи кулфат субх ила шом,
«Манга не хоби рохатдур, не ором.

Фирокинг ўт солиб жонимга асру,
Чекарман ул жихатдин хазну кайгу.

Чекарман хар нафас фарёду афгон,
Бўлуб багрим гаминг бирла тўла кон.

Кўнгулда дарду оломим фузундур,
Кўзум ашки мудомо лолагундур.

Тиларман борхо васлингга етмак,
Майи васлингдин ўзни маст этмак,

Качонким эгуси боди сахаргох,
Чекарман тинмай асру нолау ох.

Каро бўлмиш жахон сенсиз кўзимга,
Такаллумлар килурман ўз-ўзимга.

Ки, эй баргашта толеъ, бахти вожун,
Бўлурсен табакай бу навъ махзун.

Килиб ишк ичра бахтинг рахнамолиг,
Качон комингга етгуси раволиг.

Агарчи ишк аро собит кадамсен,

Вале хижронда побаста аламсен.

Агарчи ўзни тутгунг марди комил,
Вале ёринг санга йўк лахза мойил.

Нишоти айшдин бегонадурсен,
Жахон ичра басте афсонадурсен.

Агар кўрса нигоринг бу маошинг,
Сариг юз узра окгон конлу ёшинг.

Сўрар эрдй тараххум бирла холинг,
Кўруб фуркатда ўтган моху солинг.

Вале на судким эрмас хабардор,
Санга бир лахза эрмас дилбаринг ёр.

Гараз айлаб бу янглиг сўз намоён,
Чекарман хар кеча фарёду афгон.

Санга айлаб бу лахза шархи ахвол,
Салому номани килгумдир ирсол.

Салом, эй коши ёу кирпичи ўк,
Сенинг хажрингга эмди токатим йўк.

Салом, эй нозанини шўхи танноз,
Бўлубдур меҳнатим кўп, роҳатим оз.

Салом, эй лаблари кони халоват,
Манга йўк сенсизин хоби фарогат.

Салом, эй нозпарвар нозипийро,
Нечук топгум висолинг базмин оё.

Салом, эй кўзлари шахлоу фаттон,
Ани ўпмакни истаб чеккум афгон.

Салом, эй жабхаси хуршиди ховар.
Качон шомимни килгунгдур мунаввар.

Салом, эй махваши сарви гуландом,
Качон илгингдин ичкумдур тўла жом.

Салом, эй инсу жинс ичра ягона,
Менинг сори качон бўлгунг равона.

Салом, эй лутфи дардимнинг давоси,
Ёрутгай кўзларим хуснин зиёси.

Салом, эй меҳрибоним, роздорим,
Качон оллинг да бўлгуси карорим.

Салом, эй хурваш, Исо сифотим,
Бўлур оё качон гамдин нажотим.

Салом, эй васлинга жоним фидодур,
Гаминг тиги била кўксум яродур.

Салом, эй лаъл кони канду шаккар,
Качон бўлгумдур ондин бахра парвар.

Салом, эй ноз фанни ичра мохир.
Висолинг бирла кил хушнуд хотйр.

Салом, эй фикри ороми замирим,
Колибмен хажр аро бўл. дастгйрим.

Салом, эй талъатинг тобанда хуршид,
Килурман кўрмак они доим уммид.

Салом, эй коми жону рохати дил,
Манга лутф ила бўл бир лахза мойил.

Лабингдин айру ичсам бодаи боб,
Топар ондин мазоким таъми хуноб.

Юзинг хижронида ўтдур манга гул,
Сочинг фикридадур ўт дуди сунбул.

Тузар базм ичра мутриб зер ила бам,
Кулокимга келур фарёди мотам.

Агар партав солур устимга махтоб,

Катон янглиг мени ўртар ўшул тоб.

Кўрунур кўзума гул шакли ахгар,
Урар гул решаси жонимга ништар.

Насими жонфизо етса мутайяб,
Самум осо етургай жонима таб.

Кўрунса кўзума мийнойи гулранг,
Топар ул лахза кўнглум шишаси занг,

Етибдур жонга бас андухи гамдин,
Юзум кохи эрур дарду аламдин.

Килиб лутфу карам, эй шўхи дилкаш,
Мени чеккил ўзингга кахрабоваш,

Иложи васл учун айлаб чу тадбир,
Манга килдинг ишорат азми тасхир,

Килиб лутфу иноят хайи яздон,
Тамоми мушкил ишлар бўлди осон.

Вале бордур бу мушкил узра мушкил,
Ки кўрмасмен килиб кўйингда манзил.

Кеча-кундуз бўлиб кўйунгда зойир,
Замоне бўлмадим хуснингга нозир,

Килурмен жон била, эй гайрати хур,
Яна бўлсам не янглиг ишга маъмур,

Чу Вомик номаси Азрога етди,
Ўкуб сирридин ўзни огах этди.

Олиб илгига Азро хам каламни,
Жавобига бу навъ этти ракамни.

Азронинг шох Вомик номасига жавоб ёзиб Бахром била Бежоданинг хам сиёсат била катлга етмагин илтимос килгони

Не хуш фархунда соатдур бу айём,
Ки етди ёрдин жонбахш пайгом.

Сахарким айлабон икбол таъйид,
Етушмай субхга пайгоми хуршид.

Хануз огах бўлмай шохи ховар,
Ки вақт ўлдики кўйгай бошга афсар.

Етурди бас насими субхи содик,
Хазин Азро учун пайгоми Вомик.

Бўлуб бу бахти хоб олуда бедор,
Манга ногах етушди ваъдаи ёр.

Эрур ул номаи дилдори гулчехр,
Муhabбат бар муhabбат, меxр бар меxр.

Етиб ул нома килди хотирим шод,
Ки гам илгидин эрди хатти озод.

Оритди хотиримдин гарди кулфат,
Хазин кўнглумга еткурди масаррат.

Очиб кўргач саводин ошикора,
Нишоти ишратим бўлди ду бора.

Хатидин топди афзойиш нишотим,
Румузи килди афзун инбисотим.

Манга хосил бўлуб бахту саодат,
Жахон андар, жахон коми муродат.

Ало, эй хисрави хуршид афоар.
Сарафрози салотин банда парвар.

Кўруб номангни бўлди тоза жоним,
Балолардин эрур охир замоним.

Демишсанким гами хижрон килур шўр
Балоу дарди фуркат келтурур зўр.

Нечук мен келтурай бу сўзга токат,

Ки менда йўқдур асло омну рохат.

Бахар сурат санга етсун паёмим,
Сабо бирла етушган чоғ саломим.

Салом, эй комати сарву санубар,
Санга бормен канизи зору камтар.

Салом, эй хусни меҳри олам аро,
Анинг хажрида шомим тийра аммо.

Салом, эй мардлар фарзона марди,
Рахи ишк ичра ушшок ахли фарди.

Салом, эй хотирим ичра нишотим,
Хаёлинг бирла бордур инбисотим.

Салом, эй ишкнинг мулкида султон,
Салом, эй зубдаи оли Сулаймон.

Салом, эй зойири даргохи такдис,
Келиб сен нисбати ахфоди Билкис.

Салом, эй нисбати покиза гавхар,
Качон васлинг манга бўлгай муяссар.

Салом, эй ишк ахлин покбози,
Жамийи покларнинг сарфарози.

Салом, эй комати сарви равоним,
Замирим куввати, жисм ичра жоним.

Салом, эй куввати жисми низорим,
Хабибим, меҳрибоним, роздорим.

Салом, эй фазлу хикмат ичра якто,
Санга йўқдур жину инсонда хамто.

Салом, эй маҳжабини шахд гуфтор,
Эшитмакка каломинг бўлмишам зор.

Салом, эй ишк ичра собит акдом,
Висолингдин манга йўк ўзга бир ком.

Салом, эй лутф пеша меҳр бунёд,
Мусаллам дер санга ишк ичра Фарход.

Салом, эй соҳиби меҳру муҳаббат,
Эрур ошиклигинг хар кимга мусбат.

Мени сендин фузундур иштиёким,
Туташкон сарбасар ўтдур високим.

Менинг илгимда бўлса чораи кор,
Бўлур эрдимму мунча хастаи зор.

Сенинг бирла бўлуб пайваста хамбар,
Хамогуш ўлмагай эрдимму яксар.

Килур эрдим бу ишда саъй ила жахд,
Лабим лаълингдин ўлгай эрди пур шахд.

Килиб жон жавхарин хар дам нисоринг,
Кўзумга тўтиё айлаб губоринг.

Килиб сарвинг била сарвимни хамдўш,
Нихолинг бирла шамшодим хам оғўш.

Гулу булбул каби бўлсак, чаманда,
Масарратдин бўлуб лабриз ханда.

Тарабгох ўлса вуслат гулистони,
Нишимин бўлса вуслат ошиёни.

Топиб вахдат майидин ком пайваст,
Гар ўлсак гайбати базмида сармаст.

Висол ўлса аро ерда агар ком,
Ўзинг саъй айласанг топгай саранжом.

Бу дам бўл васл ишига чора пардоз,
Висол охангин эмди айлагил соз.

Бу дам элга сенинг хукминг равондур,

Буюрмоклиг хамон бутмак хамондур.

Сенинг фармонингга элдур мусаххар,
Нега вуслат ишин кўйгунг муаххар.

Яна килгум бир иш сендин таваккуъ,
Хусулидин базе килгум тазарруъ,

Ки ул Бежодау Бахроми наммом,
Ки килдилар мени ишкингда бадном.

Алардин чекмишам доим тааллум,
Алам андог етурмас мору каждум.

Базе очдилар абвоби хусумат,
Адоват нишидин еткурди захмат.

Чекиб тиги забону ханжари таън,
Хаволат айладилар дашнаи лаън.

Килиб бўхтон, уруб жонимга юз ниш
Маломат бирла кўнглум килдилар реш.

Анингдек килдилар шонимда бўхтон,
Ки катлимга алардин бўлди фармон.

Манга ахтар олардин бўлди манхус,
Ки мен бўлдум бало сажнида махбус.

Бу холатда мени гар кўрса гардун,
Котиг холим учун йиглар эди хун.

Сен эмди кил манга лутфу иноят,
Аларни кил сазовори сиёсат.

Алар кирдорига лойик жазо бер,
Сазовор ўлса кайси иш сазо бер.

Агар сен килмасанг бу ишни мафкуд,
Висолимдин етушмас бўйи бехбуд».

Чу нома шох Вомик сори етти,
Бу холатга бaсе афсус этди.

Таассуф айлабон бехад аён ул,
Бу янглиг нукталар килди баён ул:

«Ки ул муддатки айлаб нўш бода,
Макомим эрди боги дилкушода.

Чун айлаб бу хабар кўнглумни ношод,
Касам бу иш учун килмиш эдим ёд.

Ки гар топсам парилар мулкига даст,
Аларни килгамен туфрокга пайваст.

Олурман интикоми ёр алардин,
Ки кўрмиш ранжу гам бисёр алардин,

Нихоли давлатимким топди болиш,
Керак душманга берсам эмди молиш».

Шох Вомикнинг малик Шахболга насихат бериб, Баҳром била Бежоданинг сиёсат била катлга еткурғони

Сен, эй нафсим ситамкеши ситамкор,
Нечун мунча етургунг элга озор,

Ичиргунг элга доим жавр ила кон,
Бу ишдин бўлмагунг харгиз пушаймон.

Бу савдо хеч санга бехбуд килмас,
Санга асло насихат суд килмас.

Ошикма, бир куни бўлгунг сазогир,
Неким килдинг келур олингга бир-бир.

Кўрурсен харна берган захматингни,
Ўзинг ичкунг ичурган шарбатингни.

Киши хар ерда сочса тухми ханзал,
Тамаъ килса шакар, бил они ажжал.

Бўлур, бас, ул нафас Вомик газабнок,

Туруб ўз манзилидин чусту чолок.

Шахи Шахбол сори борди филхол,
Кўруб бу холин анинг шох Шахбол.

Деди лутф ила: «Кей фарзона фарзанд,
Жабинингга нединдур кахр пайванд.

Анинг гар боисин килсанг изхор,
Менинг холингдин ар килсанг хабардор.

Неким дафъидурур килгум тадорак,
Сўзини айлаб ўзга тожи торак».

Деди Вомик: «Шахо, олам панохо,
Фаридунфар. Скандар дастгохо,

Бу даргох ичра икки шум ният—
Ки, дурлар шохга аркони давлат.

Алар чун марди давлатхох эмаслар,
Билингким лойики даргох эмаслар.

Аларни шах тутубдур гарчи маъфу,
Бу иш шахларга лойик келди асру,

Вале килмок ул иккини сиёсат,
Келибдур сизга конуни риёсат.

Бу икки ким эрурлар шахга бадхох,
Аларни хуштурур катл айласа шох».

Малик Шахбол эшитди чун бу сўзни,
Килиб гарки хижолат ул хам ўзни,

Деди Вомикга: «Берсанг хар неким панд,
Барисидин бўлурмиз биз баруманд,

Бурундин хам манга бу ишда Тайфур
Насихат бирла таклиф этти мавфур.

Бу ишда мен ва лекин айлаб эҳмол,
Хато бирла ўтургум мох ила сол»,

Добон бу сўзни андок килди фармон,
Ки катл эттилар ул иккини ул он,

Бас ондин сўнгра Вомик бирла Азро
Ташаккур саждасини килди баржо,

Кўнгулни айлабон шодону хуррам,
Шароби айш ичдилар дамодам.

*Шох Вомик ўз мансублари бирла Чин шахрида колиб малик Шахболнинг Жобилсо
кишварига мурожаат килгони*

Чу топти тўйнинг айёми итмом,
Доги айш ила ўтди неча айём.

Ки Вомик олди хокондин ижозат,
Билоди Чиндин этмакка азимат.

Деди Вомикга онда шох Фагфур
Ки эй кўнглум висолинг бирла масрур!

Билоди Чин ажаб дилкаш макондур,
Жахондин ўзга бу хам бир жахондур.

Эрур онда ниҳоятсиз ажойиб,
Ажойибдин доги кўбдур гаройиб.

Нишоти айш эрур анда фаровон,
Жахон сайри эрур бир ён, бу бир ён.

Туруб кил мунда сайру ишрати базм,
Чу бир йил ўткариб сўнг айлагил азм.

Бўлоли неча кун хамсухбату ёр,
Ганиматдур бу дам бир-бирга дийдор».

Шахи Вомик чу бу сўзни эшитди,
Колурни шахри Чинда жазм этди.

Нечунким Чинни сайрию, хавоси,

Кўнгулда эрди доим муддаоси.

Вале Шахбол ила ўзга неча шох,
Хама килдилар ўзни озими рох.

Малик Шахбол Жобилсога кетди,
Бори шах ўз билодй сори етди.

Колиб Чин узра Вомик шоду хуррам,
Чекиб базм ичра тун-кун согари жам.

Тахайюл мужибатидин узуб кайд,
Тузуб гах базму гохи айлабон сайд.

Гахи Азро била хилватда эрди,
Гахи ахбоб ила ишратда эрди.

Гахи сайр этди боги дилкушода,
Тузуб базм онда, ошом этди бода.

Гараз шохи Наиму, шох Вомик,
Хам Осафи соний — уч ёри мувофик.

Харам ахли била бир неча муддат,
Килиб Чин мулки сайрин икки навбат.

Неким анда эса асбобу ашё,
Борисин килдилар яксар тамошо.

Бу сайр ичра ажойиб кўрдилар кўб,
Тилсимоту гаройиб кўрдилар кўб.

Худо турлук ажойиб килди ижод,
Кою бирни кўрубдур одамизод.

Басе сайру томошо айладилар,
Топиб неким таманно айладилар.

Агар берсам олар бориға тафсил,
Етар бу нусхаға итлолу татвил.

Баногах бир куни мажлис эди гарм,
Деди Вомикга Осаф: «Бу сифат базм,

Ки эрди марди неку Саъд тожир,
Етурди бизга турлук нафъ вофир.

Бу муддат ичраким биз комронмиз,
Топиб максуди хотир шодмонмиз.

Эрур вожиб ангаким ушбу айём,
Мурувват бирла килмок лутфи инъом».

Шахи Вомик бу янглиг килди фармон,
Ки они килдилар хозир хам ул он.

Анга айлаб мухиббона мулокот,
Макомин садри мажлис килдилар бот.

Бўлуб огох мундин шох Фагфур,
Анга лутфу карам кўрсатди мавфур.

Ки яъни ўз надими хоси этди,
Вазири сохибул ихлоси этди,

Етиб чун Саъд бозиргонга давлат,
Мусаллам бўлди маншури вазорат.

Не хуш хислат эрур ахлоки неку,
Неким килдинг келур оллингга ўтру.

Мурувват пеша килким хаййи сонеъ,
Етургай, килмайин ажрингни зоеъ.

Кетур, сокий, шароби бехжат анжом,
Ки килгумдур ватан сорига куддом.

Минал имон эмиш чун хуббул автон,
Бас ўлгумдур ватан сори шитобон.

*Шох Вомик била Азро ва Осаф соний била Шакардухтларнинг шахри Сабога азимат
килиб, шох Наим била Хавронинг Тожкан шахрига ружуъ этканлари*

Бу ходисга эди улким мубашшир,

Бўлуб турлук вакоеъга мухаррир.

Килиб изхор лутф ила фасохат,
Бу ерда бу сифат сурди хикоят.

Ки чун Осаф била султон Вомик,
Килиб бир йилгача ишрат мувофик.

Чун ўтди бўйла бир йил гуфтугўеи,
Кўнгулга тушди манзил орзуси.

Хусусан шох Вомик субх ила шом,
Аносин кўрмак этди максоди ком.

Етушди соний Осаф кўнглига хам,
Отосини кўрарнинг шавки махкам.

Килиб хошиш ватанга килгали азм,
Кетарни ўзларига килдилар жазм.

Муни фахм айлагач Саъд ила Фагфур,
Чекиб гам йигладилар зору ранжур.

Бўлуб охир фалак жаврига койил,
Сафар асбобига не бўлса кобил.

Кумошу ганжу ажноси хазойин,
Нафоис хам жавохир улча мумкин.

Буларни тевалар устига олиб,
Яна неча гулому чўри олиб.

Чу бу лахза етушди шох Шахбол,
Олиб ёнида кўб асбобу амвол.

Гараз, бўлди хазойин андок афзун,
Ки гўё эрди яксар ганжи Корун.

Вале шохи Наим асбобин аввал,
Килиб ул ерда тайёру мукаммал.

Бурун бўлди хамадин ул ягона,
Билоди Тожкан сори равона.

Махинбону санам хам ушбу муддат,
Олиб Фагфурдин кетди ижозат.

Наиму шох Вомик лек ул он,
Бу янглиг айладилар аҳду паймон:

Ки бир хат бир сори килгайлар ирсол,
Килурга бир-бировдин кошифи хол.

Бас ондин сўнгра Вомик бирла Азро,
Шакардухт ила Осаф рухафзо.

Видоъ айлаб оларга шох Шахбол,
Доги Фагфуру Саъди Фаррух икбол.

Неча фарсах бўлуб Вомикга хамрох,
Ружуъ эттилар ондин сўнг чекиб ох.

Кўтариб девлар асбоб ила ганж,
Йўл айлаб катъи бўлдилар кадам санж.

Чекиб гардун уза чатри зар андуд,
Куёш осо эдилар рох паймуд.

Хиромон бўлди Азро минди хавдаж,
Нафоис кийдию бўлди мутаваж.

Шакардухт айлади манзил амори,
Кошида неча махвашлар татори.

Юриб йўл суръат ила девлар тез,
Нечукким боди сарсар килдилар хез.

Бўлуб бори юрарда йўл сабуктоз,
Бори пайки сабодек пўя пардоз.

Килиб суръат олар андоки гардун,
Чекиб хар бири юз минг ганжи Корун

Амори дар амори ахли номус,

Нечукким шамъи махмил килди фонус.

Чаман янглиг бари гарки тажаммул,
Бўлуб бори зарафшон ўйлаким гул.

Маалкисса юруб йўл бир неча кун,
Етушдилар Сабо наздига бир тун.

Тушуб ул ерда маскан айладилар,
Ўтиб оромни фан айладилар.

Вале шахр ичра мужда айлаб ирсол,
Юбордилар бировни онда ул хол.

Эшитди чун бу мужда Осафи пир,
Йигит бўлди гар эрди пири дилгир.

Хабар етгач бўлуб хуррам, нигорин
Топиб, бехжат замири топди таскин.

Нигорин чун Зулайхои кухансол,
Ду бора зиндагонлиг топди филхол.

Тарабдин туз бўлуб сарви хамида,
Гули пажмурда бўлди навдамида.

Чу навмид эрди ондин маснади ож,
Шакойикдек шукуфта бошида тож.

Деди, хурсанд ўлуб: тамхиди довар,
Бихамдуллаҳки, бўлди бахт ёвар.

Сабо шахрига боғлаб тоаа ойин,
Етурдилар хама жойига тазйин.

Бори мавзуъни килдилар чарогон,
Эдилар мунтазир мажмуи инсон.

Бас ондин сўнг Нигорини ягона,
Истикбол этгали бўлди равона.

Вазири Барҳиё барча акобир,
Доги шахр ахлидин токим асогир.

Хама айлаб истикбол, ўлди хурсанд,
Бўлуб дийдор файзидин баруманд.

Кўруб чун шох Вомик хам аносин,
Ўпуб ихлос бирла хоки посин.

Кўруб Осаф атосини хам ул он,
Кучуб бўлди базе масруру шодон.

Маком ўлди ики Юсуфга Канъон,
Етиб беморлар дардига дармон.

Бахор ўлди кетиб фасли хазони,
Ўлук танларни ўлди тоза жони.

Вазири кадди хам, пири кухансол,
Алиф топди кадин бор эрди чун дол.

Бас ондин сўнг килиб таъйини соат,
Етушди кечанинг нисфига муддат.

Парию одамий барча хаводин,
Нузул этдилар атрофу сабодин.

Намоён айлабон беҳад тажаммул,
Солиб афлок уза овози гулгул.

Хамул тун хўб соат ичра Вомик,
Хилофат маснадига бўлди лойик.

Бериб Осафга ахкоми вазорат,
Ўзи маскан этиб тахти жалолат.

Доги ул дам Шакардухт ила Азро,
Паридўхту малика рух афзо.

Харам ичра кириб тутдилар ором,
Бўлуб масрур хосил айлабон ком.

Гараз борча эл ўлди шоду хуррам,

Жавохирлар килиб ийсори макдам.

Сипохи инсу жин тортиб тарона
Навозиш айладилар шодёна.

Маком айлаб малойик хиттаи хок,
Бўлуб шахри Сабо бир олами пок.

Нигорин айлабон жон бирла парво,
Ано янглиг Шакардухт ила Азро.

Кўюб хизматда хизматкор оларга,
Килиб жон гавхарин ийсор оларга,

Бўлуб давлат янги бошдин муяссар,
Алар васли кўзин килди мунаввар.

Кетиб кўнглидин андуху гами ранж,
Нисор этти аларга юз туман ганж.

Хуш ул соатки хар махжури бедил,
Чекиб гурбат килур мулкида манзил[^]

Кетур, сокий, шароби рохат афзо,
Ки килгумдур ватанда эмди маъво.

Керак кўнглимга килсам шодлигни,
Балиятдин топиб озодлигни.

Адолат бирла тутгил эмди бода,
Ки адлинг келди муштоки зиёда.

Шох Вомик сарири салтанати шахри Сабода карор тутуб доду адл бунёд килгони

Чу минди салтанат тахтига Вомик,
Анингдек айлади адли мувофик.

Улусни айлади адл ила масрур,
Жахон мулкида бўлди ўйла машхур.

Ки ондин сўнграги хайли салотин,
Дер эрдилар анга анвои тахсин.

Анинг адлини ёд айлар эдилар,
Стехсонин зиёд айлар эдилар.

Килиб Нушравон доги они ёд,
Билур эрди ўзига они устод.

Басе кўргузди адли ичра зоеъ,
Килиб изхор конуни бадоеъ.

Эшитса ногихондин охи мазлум,
Берур эрди сазои золими шум.

Либосини килиб хар кеча тагйир,
Килур эрди улус холига тадбир.

Чун ул бу навъ бўлди шохи одил,
Дуосига хама эл эрди шогил.

Келибдур хуш шиори адл, ори,
Анга ворид бўлубдур амри бори.

Бил, эй сохиб .сарири мулку давлат,
Мадори салтанат келди адолат.

Шахи бемаъдалат зебо эмастур,
Иморат беустун барпо эмастур.

Агар етмак тиларсен ҳақдин имдод,
Раиятни қарамдин айлагил шод.

Десангким касру давлат бўлса барпой,
Сахоу адл ила бўлгил неку рой.

Эшитдим Кисри султони довар,
Деди Хурмузга, эй фархунда сарвар,

Раият бех эрур султон шажардур,
Шажар бех ила доим борвардур,

Гаразким, Бархиё бирла Нигорин,

Килиб шахлиг учун Вомикни таъин.

Ва лекин ўзлари тарки ҳукумат
Килиб тангрига этдилар ибодат.

Нигорин топшуруб Вомика авранг,
Ибодатхона сори килди оханг.

Топиб ҳам Бархиёи пири рухсат,
Килурга гўшада холикга тоат.

Этиб ўз мансабин сонийга таслим,
Анга илму вазорат берди таълим.

Тутуб, сокий, кадах, кўнглумни кил шод,
Ки холикдин тиларман ўзга авлод.

Эрур ҳақ лутфи тавлиду таносул,
Замони килмогил ондин тагофул...

*Шох Вомик салби ва Азронинг раҳмидин шахзодалар таваллуд топиб жон кўнгли яна
тозадин хуррам бўлгони*

Хушо улким бериб эрди халафзод,
Кўзин равшан килур дийдори авлод.

Эрур максуд авлод ила фарзанд,
Ики дунёда килгучи баруманд.

Улуглардин бу сўз бордур мукаррар,
Ки хар одамда фарзанд ўлмаса гар,

Анинг бўлмас замири коми хосил,
Бўлур балким савоби доги зоил.

Качон бўлгай ул одам оти фони,
Ки колгуси халаф фарзанди охи.

Садаф оти колур оламда, ори,
Ки бокий бўлса дурри шохвори.

Чу Вомик маснад узра жой тутди,
Ки бир йил муддати Азродин ўтди.

Хабар топгоч шахи Вомик ки Азро,
Ки бўлмишдур анга хамл ошкоро.

Шукуфта бўлди ондин шох Вомик,
Нечукким тонг елидин субхи содик.

Они бу мужда килди шоду хурсанд,
Ки асру бор эди муштоки фарзанд.

Чу Азро хамлидин ўтди неча мох,
Анингдек бир ўгил тугди баногох.

Ки эрди ул махи авжи нажобат,
Юзидин баркзан нури саодат.

Нигорин айлабон ондин мубохот,
Онга деб Носири соний кўюб от.

Килиб Вомик кўзин ул нур равшан,
Гули васлидин ўлди кўнгли гулшан.

Бас они дояга топшурди ул он,
Ки килгай парвариш беҳадду поён.

Яна Вомик ёрутди чашми уммид,
Килиб Азро неча фарзанд тавлид.

Ўгул эрди бириси, лекин они,
Юзи эрди чу меҳри осмони.

Бўлуб дийдоридин хурсанду масрур,
Кўюб онинг отин шахзода Мансур.

Бириси они духтар эди, аммо —
Отини кўйдилар Билкиси сугро,

Шакардухт ила Осафдин хамул он,
Бўлуб фарзанд тавлиди фаровон.

Алар бирла жамии шахзода,

Топиб тарбият анвоин зиёда.

Ўқуб мактабда асру дарси такдис
Ки соний Носиру Мансуру Билкис.

Шахи Вомик аларга эрди устод,
Берур эрди улуму маърифат ёд.

Алар таълимига кўб айлади жид,
Ки хар бир бўлди устоди Мўъбид.

Килиб касби камолу фазлу дониш,
Бўлуб хар бир чароги ахли биниш.

Килиб, эй сокий, алтофи иноят,
Табибийга кетурдил жоми бехжат.

Ки килгуси насихатгўлик изхор,
Жахон ахволини айлаб намудор.

Шох Вомик ўз ўгли Носир сонийга насихат бергонинг баёни

Хамулким бор эди хикмат баёнлиг,
Бу янглиг килгусидур нуктадонлиг.

Ки чун шахзода майли мактаб этди,
Доги ўн беш йилга ёши етди.

Баси касб этди осори фазойил,
Улуму фанну ирфону хасойил.

Мафавваз зотига бўлди балогат,
Ато айлаб анга тенгри шижоат.

Шахи Вомик онинг кўргач камолин,
Улуму фитрату жоҳу жалолин.

Хаёлига бу бўлди ошкоро, .
Ки кеча панд анга килгуси иншо.

Русуми салтанатда токи комил,
Бўлуб килгай талаб неку хасойил.

Эрур албатта султонларга лозим,
Ки авлодига берса панд доим.

Доги лойик хирад огохларга,
Ки хикмат ёд бергай шохларга.

Хамул важх ила бир тун шох Вомик,
Насихатга билиб ўглини лойик.

Бўлуб хилват аро осуда хотир,
Кошига айлади Носирни хозир.

Анга дедики: «Эй фарзона фарзанд,
Кулок солгил санга бергумдурур панд».

Деди шахзода: «Айланг амру фармон,
Килинг неким насихатдур намоён.

Неча вақт ўлдиким сиздан тилаб панд,
Эрурман субх ила шом орзуманд».

Деди Вомиқ: «Ки, эй кўнглум сурури
Эшит аввал санга будур зарури.

Ки айлаб фикр асли хилкатингни,
Кўзинг оллига келтур тийнатингни.

Ки бир катра сувдин халлоки жаббор,
Сени халк этти, лек ул доғи мурдор.

Тақаббур қилма |они ёдинга сол,
Худонинг бирлигин бил доим улхол.

Хамиша тенгрига айлаб ибодат,
Талаб қил доимо илму фазилат.

Қачонким тузсанг ойини ҳукумат,
Риоя тут анга роҳи шариат.

Харис ўлма жаҳон молига асло,

Карамни пеша кил ўзга мудомо.

Сипах хайлига кил инъому эхсон,
Раоёни этиб лутф йла шодон.

Чу сиз неча ини бирла агосиз,
Каю бирингки гар сохиб сахосиз.

Килиб хосил менинг ул лахза комим,
Бўлурсиз тахт аро коим макомим.

Яна бўлгил хамиша сохиб инсоф,
Замони килмагил харжингда исроф.

Чу онинг хаккида бор насси котеъ,
Неча тадкик ила бурхони сотеъ.

Ёмонлар сухбатидин ижтиноб эт,
Накўлар улфатига иртикоб эт.

Улум ахлига кил доим мухаббат,
Жахолат ахлидин эт асру нафрат.

Шитоб этмакдин ўлсун эхтирозинг,
Бўлуб сабру тааммул чора созинг.

Менингдек бўлма харгиз моили ишк,
Ки дарди гусса бўлгай хосили ишк.

Тузарда доги ойини ҳукумат,
Санга бўлсун туну кун афв одат.

Ки бу шева эрур зеби салотин,
Мунинг ҳаққида ҳам қўбдур барохин.

Низоми мамлакатда субх ила шом,
Сиёсат айламакни ўзга кил ком.

Нечунким бўлмаса расми сиёсат,
Ёмон эл олмагуси ҳеч ибрат.

Доги дунёга хартаз бўлма мойил,
Ки ондин бўлмагай жуз гусса хосил.

Анга хар нечаким қўйсанг қўнгилни,
Санга бошқаргуси хирмонга йўлни.

Санга айлаб жaxon ахволини изхор,
Баён этгумдурур бир неча гуфтор.

Дахрнома

Жaxonким бир ажойиб гулситондур,
Назарга зийнати беҳадду сондур.

Очилмиш гулшанида юз сифат гул,
Эрур хар бир бўю рангидин мул.

Келиб ранги назарларга тарабхез,
Бўлуб жонларга бўйи бехжатангез.

Эрур хар гулшани ишратга маъдан,
Они килгусидур айш ахли маскан.

Фаровон сахнида ашжори онинг,
Бўлуб лаззатрасон асмори онинг.

Келиб анхори хар сори равона,
Азубатда бўлуб таъми ягона.

Качонким нўш килгай ондин инсон,
Берур лаззат нечунким шарбати жон.

Хавоси рухафзо борча элга,
Дилороу таносо барча элга.

Бўлуб кўзларга зохир сабзазори,
Етурмак нур бўлгуси шиори.

Чун ўлгай кушларига зохир алхон,
Эшитканларга бергай тозадин жон.

Эрур сахни чаманда хавз пайдо,

Суи софилиг ичра кавсар осо.

Келиб базми басй файзу сафолиг,
Килиб хосият ичра жонфизолиг,

Майи хайвон суи янглиг гуворо,
Бўлуб жону кўнгулга рохат афзо.

Тамоми жомии заррин мунаккаш,
Бўлуб шакл ичра доги асру дилкаш.

Хама сокийлари махбубу гулчехр,
Жабинидин аёндур шафкату меҳр.

Карам килса каю одамга бода,
Бўлур токим абад айши зиёда.

Муганниси гар оғоз этса нагмот,
Эшитганга бериб бир ўзга холот.

Замирин килгусидур шоду хандон,
Гаму андухини дафъ айлаб ул он.

Бори махвашлари хусн ичра ахсан,
Вале бордур неча нозу адо фан.

Аён бўлса агар нозу адоси,
Бўлур кўрган киши онинг фидоси.

Бировким бўлса ишкининг дучори,
Фалакка чиккуси афғони зори.

Агар ошикка васли бўлса хосил,
Нишоти жовидон топгуси комил.

Вале хажрига ошик етса ногох,
Анинг холига беҳад ох ила вох.

Кусури бордурур чун касри жаннат,
Хама касри макони ахли ишрат.

Келиб рифъат аро гардунга хамсар,
Бўлуб кўнгуллари пур зебу зевар.

Бори девори манкуши мукарнас,
Сутуну сахни айвони муассас.

Очилган хар тарафдин боби олий,
Эмасдур файздин бир боби холи.

Гараз ушбу гулистони дилоро,
Ки бор шоҳу гадо хайлига маъво.

Мисоли йўк сафоу нузхат ичра.
Нишоти файзу хаззи беҳжат ичра.

Вале афгонки, эрмат жовидоний,
Бўлур охир хама аш'и фоний.

Бори гулзорида бўйи бако йўк,
Гулида харгиз алвони вафо йўк.

Каю гулшанки холо келди зохир,
Хазон ошубини топгуси охир.

Тараб жомидин айлаб нўш бода,
Неча килсанг фарах хосил зиёда.

Ва лекин окибат махмур бўлгунг,
Хумори дардидин ранжур бўлгунг.

Сурудига келибдур навха мудгам,
Сурури зимнида андуху мотам.

Хануз ўлмаи висоли ёрдин хаш,
Тушуб хижронига бўлгунг мушавваш.

Бировким килса касри ичра маскан,
Макони бўлгаи охир тийра мадфан.

Киши йўкдурки онда кўрмамиш ниш,
Замири бўлмаган андух ила риш.

Аруси дахрким бордур ситамгар,

Гадоу шахга зулмидур баробар.

Хамага жавр килмок одатидур,
Хамага шомил онинг мехнатидур.

Неким Одам Атодин токи бу дам,
Ўтубдур дахр аро фарзанди одам,

Бори кўрмушдурур онинг жафосин,
Чекиб хар лахза озору аносин.

Алар ёлгуз демайким, ўзга кўб шох,
Килиб бу дахрни ўзга макаргох.

Туну кун зохир айлаб адл ила дод,
Жахонни килдилар адл ила обод .

Бўлуб ишрат била саршори шодоб,
Йигиб борича имкон турлук асбоб.

Неким хохишлари эрди жахонда,
Бўлур эрди муяссар бир замонда.

Вале сўнгра ажал жомин килиб нўш,
Бориси бўлдилар марг ила мадхуш.

Алардин колмади осор жуз от,
Буларнииг холига хайхот, хайхот.

Кани ул сохиби илму амаллар,
Ки айлаб бахс илм ичра жадаллар.

Жахонда кўйдилар таснифу осор,
Алардин колди кўб атвори гуфтор...

Кани онларки эрдилар сухандон,
Калом изхор этиб борича имкон.

Килиб бисёр назму наср таълиф,
Кутиб анвони, асру этди тасниф.

Улуми шеърда мохир эдилар,
Газал демакда бас шоир эдилар.

Аларнинг сўзлари эрур равонбахш,
Маъно бирла сомеларга жон бахш.

Дедилар нуктлар борча шакаррез,
Эшитган кимсаларга бехжат оmez.

Вале килди ажал борини абкам,
Сукут ила этиб охирда мудгам.

Гараз хар кимки бу оламга келди,
Анга гардун бу янглиг жавр килди.

Тааммул айла, эй фарзона фарзанд.
Жахондин бўлмогинг доим баруманд.

Сенга рўзи бўлуб гар бахти давлат,
Насибинг бўлса тун кун айшу ишрат,

Бўлуб умринг замони тули айём,
Нечукким Нух тобсанг умрдин ком,

Жалолу жохинг Афридунча бўлса,
Зару молинг доги Корунча бўлса,

Килиб гардун сенинг комингга даврон,
Хама мушкулларингни килса осон,

Не матлабга тамизинг бўлса мойил,
Хамулдам килса не ташвиш хосил,

Етушмай хотирингга занги кулфат,
Хусулинг бўлса айшу кому рохат.

Вале билгинки чун паймона тўлди,
Бўлур сендин хама бегона бўлди.

Булар борин кўюб охир кетарсан,
Бас они орзу айлаб нетарсан...

Санга ушбу сифат айлаб насихат,

Бу мавзуда кетургум бир хикоят.

Хикоят бар сабили тамсил

Эшитдим Хисрави Парвези худком,
Ки эрди хукмрони даври айём.

Маком айлаб ўзига маснади ож,
Кўюб боши уза юз фахр ила тож.

Тажаммул бирла ул кишвар худованд,
Кийиб хилъат зарандуду зар оганд.

Бор эрди тожи вазни тўрт юзман,
Куёш тожи каби маскули равшан.

Юкоридин осиб ул тож диловез,
Кўюб маснад онинг остида парвез.

Бу тож остида шохи меҳр сиймо,
Анга еткурди фарки фаркадонсо.

Бузург Уммид ила ёнида Манзур,
Анга дедики: эй фархунда дастур.

Бу тож узра не ёзгум, эй хунарвар,
Ки мендин сўнгра бўлгай ёд овар.

Колиб мендин бу тожи зевар обод,
Укуб ул лахза килгайлар мени ёд.

Ки килмай ҳеч бир соҳибкирони,
Бу янглиг ишки, мен килмишмен они.

Эрурмен мен сазовори ситоиш,
Ки Кисро насли мундок килмади иш.

Менул Хисравки гар разм айласам ком,
Ки бўйимдин кирар гўр ичра Бахром.

Уруб майдонда тийги тез рўин,
Забун этдим туни Бахроми чўбин.

Чу гулгун барши новард юрдим,
Диловарлар бошин ерга тушурдим.

Манго майдонда чун новард бўлди,
Насибам ганжи бодовар бўлди.

Чу ширин дилбари горатгахи хуш,
Бажуз мен кимга бўлмиштур хамогуш,

Бузург Уммид анга дедики, эй шох,
Оанга бордур салотин хоки даргоҳ.

Якин билгим эрур, эй мохи нокост,
Бу маъниларки дерсан, барчаси рост.

Олурсан шохлардин тож ила бож,
Бу сўз зинхор килгил зевори тож.

Ки эй улким шахи олий гухар сен,
Ки мендин сўнгра бўлгунг тожвор сен.

Бу тож ила сен ўлма масту магрур,
Ки охир бош яланг жох килгасен гўр.

Чу ман эрдим сенингдек комрони,
Ки хукумимда эди халки жахони.

Олиб мен мулки олам коф то коф,
Кўтардим кўкка чархи нахвату лоф.

Паривашлар бўлуб ёру кариним.
Салотин эрдилар даргах нишиним.

Кўюб базм ичра бошим узра афсар,
Бухури манкал эрди уду анбар.

Бериб комимга лаззат лаъли ширин,
Мудом эрди тараб богида гулчин.

Асоси хашматим гардунча эрди,

Манолу давлатим Корунча эрди.

Кўюб борин бугун овора бўлдим,
Каро ер остида бечора бўлдим.

Кани ул шўхи ширини шакар лаб,
Кани ул махлукои сийм габгаб.

Кани ул тахти заррину каёни,
Кани ул шавкати сохибкирони.

Кани айшу нашоти базми Жамшид,
Кани жоху жалолу иззу тамжид.

Кани ул дастгохи тахти афсар,
Кани ул хашмату худдому чокар.

Назаргохимдин ўлмиш барча гойиб
Анисим гўр аро дарди масойиб.

Чекарман тийра гўр ичра тааллум,
Рафикиим кеча-кундуз мору каждум.

Таним сарто кадам кирм ила машхун,
Май гулгун мангодур бийм ила хун

Бўлуб маскан манга тийра магоки,
Эрур афсар манга бир тўда хоки.

Не килгум ганжи бодовардини ёд,
Ки бодоварда хам бўлгуси барбод.

Гахи кабрим уза бир дам гузар кил,
Менинг бу турфа холимга назар кил.

Тааммул кил, кўруб холи низорим,
Бўлур равшан маоли кору борим

Чу мендин колди бу тожи зарандуд,
Санга хам тожи зардин бўлмагай суд.

Доги Бузург Уммид ул холат ичра,
Тил очиб асру панду хикмат ичра,

Скандардин нихон килди падидор,
Ки ул панд Арастуга килди изхор.

Бу хам дунё учун бордур мадумат,
Ки килгум они бу ерда хикоят.

Хикоят бар сабили тамсил

Эшитдим Хисрави олий Скандар,
Арастуга бу сўз килди мукаррар.

Ки чун бу дахрдин килгум азимат,
Адам даштига сургумдур жанибат.

Кубуристон сари бошкар йўлимни.
Чикоргил наъшдин ул дам кўлимни.

Ки билгай зумраи магур сармаст,
Ки боргум дахрдин бу дам тихи даст.

Олиб магриб била машрикни яксар,
Борурман бу нафас бетожи афсар.

Эшитгач йиглабон бу сўзни Парвез,
Деди, ёзгил бу сўзни тож уза тез.

Яна Носирга бокиб шохи Вомик,
Деди, кай панд эшитмакликка лойик.

Тааммул айлаким, ахли хилофат,
Не янглиг килдилар, панду насихат.

Бу фоний дайрким дунёдур оти,
Анинг йўқдур карор ила саботи.

Маоли коридур андишаи хом,
Эрур пасмоадаи хар хосу хар ом.

Эмасдур давлати икболи жовид,

Кўрубдур неча Бахром ила Жамшид.

Даётин англагил, эй марди соий,
Гурури жахл нахватнинг матоний.

Баробардур ўлум шоху гадога,
Тафовут йўк гадоу подшога.

Кўрибмусанки, ўлгач шоху дарвеш,
Олиб бормишдурурлар жуз кафан пеш.

Биров топмишдурур умри абадни,
Ки ул оромгох этмай лахадни.

Борурсен, колгуси фарзанди амлоку
Маком этгунгдурур охир тахи хок.

Улумни ёд эту фикри сафар кил,
Гурури кибру нахватдин хазар кил,

Килурдин хоби гафлат мунфарид бўл,
Кетар вақтингни чоглаб мустаид бўл»,

Шахи Вомик чу пандин килди нтмом,
Олиб шахзода Носир панддин ком,

Ота бирла ўгил ул икки мумтоз,
Бу аснода килиб кўп гиря оғоз.

Деди, кей мушфиким фарзона фарзанд,
Санга хар неки дедим бу сифат панд,

Они бир лахза хам килма фаромуш,
Ки эрсанг олам ичра сохиби хуш.

Бас ул пандики, бўлмиш эрди зохир,
Китобат айлабон шахзода Носир.

Килиб жон бўйнига таъвид они,
Ўкуб хар лахза пайдоу нихони,

Амал мазмунига килди хамиша,
Ки то бўлди жахонда нек пеша.

Карам кил, сокиё, тутгил манга май,
Ки килгумдур фано йўлин бу дам тай.

Фано йўлига мастона этиб азм,
Адам майхонасида тарх этар базм.